O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 26 MAY ◆ SHANBA ◆ № 60 (26.762)

ДЕҲҚОНЧИЛИК ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Нурота туманидаги Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигининг ер майдони 56 минг гектарни ташкил этади. Аммо хўжаликда сув йўқлиги сабаб махсулот етиштириш анча қийин кечмоқда. Шу боис хўжалик худудига туташган Нурота тоғларидаги ёмғир ва қор сувларидан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда, яъни тоғлар орасида XVI асрда қурилган сув дамбаси яқинида «Орасой» сув тўғони қуриш ишларининг биринчи босқичи бошланди. У 2002 йилда якунланади ва 250 гектар ерга сув чикариб, деҳқончилик қилиш имкониятига эга бўлинади. Умуман олганда 3 миллион куб метр сув сиғимига эга бўладиган бу сув омборининг қурилиши 2003 йилда ниҳоясига етказилади. Натижада тоғ ёнбағрида ястаниб ётган 500-600 гектар ерда суғорма деҳқончилик йўлга қўйилади. Бундан ташқари «Орасой» сув омбори атрофида мевали ва манзарали дарахтлар экилиб, дам олиш ва саломатлик марказлари ташкил этилади.

Дарвоқе, қурилиш-монтаж ишларини вилоят сув қурилиши бошқармаси буюртмасига асосан 6-кўчма механизациялашган қурилиш ташкилоти олиб бормоқда.

■ Ўткир ПЎЛАТ

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

НУРЛИ МАНЗИЛЛАР

XXI асрнинг биринчи қалдирғочлари учмоққа тайёр. Улар вояга етди, осуда тонглар, ширин ўйин-кулгулар ортда қолди. Бугун мактаб остонасидан, ҳаётнинг беланчагидан шовқин-суронли кунларига, ўйдим-чуқур сўқмоқлардан нурли манзиллар сари отланди.

Эй, менинг қадрдоним, азамат биродарим, гул юзли синглим, жасур укаларим! Синфдош дўстим. Сенинг қалбингда озод элнинг сурури бор. Томирингда мард, фидойи аждодларинг қони бор. Ўзбекнинг ғурури, ори, шаъни, қадр-қиммати юрагингда сақланган. Сенинг энг буюк, энг улуғ жонингдан ҳам азиз мустақил Ўзбекистонинг бор. Сен бугун орзуларга тўлиқ қалб ила биринчи бор қадам қўйган даргоҳингдан умидли осмонга учишга шайландинг. Мен сендан ана шу шарафли йўлга, мазмунли ҳаётга қадам қўйишингдан умидворман. Ота-онанг, қариндош-уруғинг, халқинг, Ватанинг сени улғайтирди, ёмон нигоҳлардан, ёвуз қўллардан асради. Ўзгаларга қул бўлишингдан, ғанимларга хизмат қилишингдан сақлади. Нима учун? Нега? Бугун остонадан ҳатлаётган ўғлон, дилбар қиз, чунки сен ўзбекнинг келажагисан, Ўзбекистоннинг кўзгусисан.

Дунёда миллатлар ичида, элатлар орасида Ўзбекман дея бонг уришинг керак. Озод ўлка, шарқнинг маликаси ном қозониши лозим. Ўтмиши буюк бўлган, келажаги ҳам буюк бўлиши учун... Сен буни унутма! Отажак тонглар бизга мунтазир.

Салом, бизни бағрига сингдираётган яшил кенглик. Салом, қўл тутаётган мовий осмон. Биз боболарнинг, момоларнинг ишончини оқлашга, Ватаннинг тинчлигини сақлашга, миллат шаънини кўтаришга сўз берамиз.

■ Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Суратларда: пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 17-гимназия мактабида сўнгги қўнғироқ.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Халқимизда беморлар ҳолидан хабар олиш, турмуши оғирлашган инсонларга ёрдам кўрсатиш, яхши-ёмон кунларида уларни йўқлаб туриш каби инсоний фазилатлар доимо ардоқланиб келинган.

Куни кеча «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг инсонпарварлик юклари ортилган саломатлик поезди Қорақалпоғистон ва Оролбўйи ҳудудларига йўл олди.

Замонавий жиҳозланган поездда 2 та кўчма вагон-поликлиника ва 1 та қўшимча рентген бўлимлари ташкил этилган бўлиб, уларда 20 га яқин малакали шифокор ва ҳамширалар беморларни тиббий ҳам тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга соҳамизда хизмат қилаётган темирйўлчиларнинг ҳам аҳволидан хабар олиш, уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатишдир.

Учқудуқ — Мискин — Султон Узак — Нукус йўналиши бўйича йўлга чиққан ушбу поезд юклари таркибида 2 млн. сўмлик озиқ-овқат, 1 млн. сўмлик дори-дармонлар, шунингдек, болалар кийим-кечаклари ва ичимлик суви ҳам бор.

— Саломатлик поездини жўнатишдан мақсад, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК маркетинг хизмати бошлиғи Фазлиддин Сағдуллаев, — экологик қийинчиликларни бошидан кечираётган Оролбўйи аҳолисига ҳам моддий, кўрикдан ўтказадилар.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Оролбўйи ҳудудига саломатлик поездларини бундан буён ҳам доимий равишда юбориб туришни режалаштирмоқда.

■ Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: сафар олдидан.

Тоҳир НИҒМАТУЛЛИН олган сурат

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

БИЗДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Турсункул ЭРГАШЕВ, ғозғонлик пенсионер:

Вақт — ғанимат, деймиз. Лаҳзаларда катта ўзгаришлар қилиш мумкин ҳозирги техника асрида. Кўпинча ўйлаб қоламан: ҳаммамиз ҳам олтиндан-да қимматли вақтимиздан унумли фойдаланяпмизми? Очиғи, йўқ. Тажрибамга суяниб айтадиган бўлсам, аксарият ҳолларда ўтиб бораётган дақиқаларнинг қадрига етмаётганларни кўриб кўнглим ранжиган пайтлар бўлади.

Ўзим ҳақимда маълумот бersам. 1942 йил иккинчи жаҳон урушига кетиб Словакиянинг Кашица шаҳрида яраландим. Урушдан қайтгач, эллик йил муаллимлик қилдим. Ўзбекистонимиз мустақил бўлган 1991 йил пенсияга чиқдим. Ҳозир бир кам саксон ёшдаман. Умр ўтиб бораётир. Нолимайман, шукр қиламан. Сўнгги ўн йиллик ҳаётим мени кўп нарсаларга ўргатди, яшаргандай ҳис қиляпман ўзимни. «Уруш ва фахрийлар» кенгашининг раиси бўлиб ишладим. 4-5 фахрий биргалашиб кўп ишлар қилаяпмиз. Ҳашар йўли билан барпо этилган «Фахрийлар уйи» бизга ҳам бўш вақтларимизда дам олиш жойи, ҳам турли тантаналар ўтади, яна баъзи тарбияси қийин болаларни ота-онаси билан шу ерга чақириб, биргалашиб муҳокама қиламиз, чора кўрамиз, тушунтирамиз.

Дўстларим, жўраларимдан Камол Дўстов, Отабой Шодиев, Қилич Омонуллаев, Кенжа Шукуров, Барот Султонов, Тўхсон Саидов, Омон Эгамов, Баҳо Бўроновлар билан маслаҳатлашиб 10 гектар қаровсиз ётган ерни ўзлаштириб, боғ қилдик. Ҳозир боғимизда 3 мингга яқин мевали кўчатимиз бор. Шулардан 850 тупи ҳар хил навли олмалар, ўрик, беҳи. Бу йил 40 минг сўмлик ёнғоқ кўчатини, 100 туп ўрик, 50 туп шотут экдик. Худо хоҳласа, бу йил боғимиздан илк ҳосил кўтарамиз.

Келажакда амалга оширладиган режаларимиз талайгина. Меваларни қайта ишлаш ниятимиз бор. Шунда ёшлар иш билан таъминланади. Меваларни боғчага, муҳтожларга текинга берамиз.

Биздан бу дунёда нима қолади, фарзандларимизу қилган хайрли ишларимиз. Менга кўпчилик, қариганда сизга нимага керак эди бу ташвиш, ғалвалар, дейди. Мен ҳар тонг боққа кетаётиб қабристон ёнида Қуръон тиловат қиламан. Ахир, бу ерда қанчадан-қанча яхши одамлар ётишибди. Ҳар сафар шу ердан ўтаётиб, дилимда бир ёруғлик туяман. Қандай қилиб мен бу ишимни ташлашим мумкин? Бунинг устига боғдаги ҳар кунги ўзгаришлар, ҳар бир кўчатнинг барг чиқариб, гуллашигача кўз ўнгимда юз бериши менга олам-олам завқ беради. Қандай қилиб уйимда тинч ўтирай?! Юртимиздаги ҳар бир ўзгаришдан хабардор бўлиб туриш, ёшларни янгича руҳда тарбиялаш — биз қарияларнинг бурчимиз. Зеро, истиқлол бизга ана шундай вазифани юклаган.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ҚЎШ ҚУВОНЧИ





Мустақиллигимизнинг 10 йиллик шодиёналари арафасида зоминликлар ўзига хос ғайрат билан бунёдкорлик ишларини олиб бормоқдалар. Шу кунларда туманда иккита коллеж қурилиши жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. 600 ўринга мўлжалланган маиший хизмат йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилишига «Жиззах қурилишашёсавдо» корхонаси бош пудратчилик қилмоқда. Қурилишга Бекободдаги «Хосғишт» заводи жамоаси сифатли маҳсулотларни етказмоқда.

***Суратларда:** бош пудратчи Норқул Умурзоқов ва «Хосғишт» заводи директори Илҳом Ўсаровлар иш юзасидан суҳбатлашмоқдалар.*

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

КАРЕЛИЯДА ҚОР БЎРОНИ

Ёз бошланишига бир неча кун қолганига қарамай, Карелияга қор бўрони ёпирилди. Петрозаводск шаҳри бир неча соат ичида ўн сантиметр қалинликда қор билан қопланди. Натижада автоулов қатнови бузилди. Ёғаётган қорга тезлиги секундига етти метрга етадиган кучли шамол ҳам қўшилиши оқибатида шаҳардаги кўплаб дарахтлар қулаб тушди.

ҚУШИҚЛАР БАЙРАМИ

Муҳташам «Туркистон» саройи қўшиқ шинавандалари билан ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Пойтахтимизнинг барча туманларидан иштирок этган санъаткорлар мустақил диёримизни, истиқлолимизни, бунёдкор халқимизни мадҳ этувчи қўшиқлари билан иштирок этишди.

Танловни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Эркин Эрназаров очди. Қўшиқ байрами якунида биринчи ўрин Гулжаҳон Хуррамовага, иккинчи ўрин Абдуваҳҳоб Одилов ва Баҳодир Иноқовларга, учинчи ўрин Тоҳир Аҳмедовларга насиб этди.

Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар Диёр Маҳкамовга, Бектемир тумани «Гавҳар» фольклор-этнографик дастаси, Толибжон Содиқов номли шаҳар маданият уйи иштирокчиларига берилди.

■ Нигора ЎРОЛОВА

ОҒРИҚ

АВТОБУСДАГИ ҲАНГОМА

Кечаги шанба. Кун иссиқ. Тушлик маҳали бўлгани учунми, автобусда одам кам. Бўш ўриндиқлар анча. Хуллас, камина тасвирлаётган Пахтакор — Қора-қамиш 2/4 йўналишидаги автобус «Чорсу» бекатида тўхтади.

Шу маҳал автобусга турналардай тизилишиб, қўл ушлашиб, кўзлари чақноқ ўғил-қизларимиз — мактаб ўқувчилари чиқа бошладилар. Улар йигирма-йигирма беш чоғли эди. Ўқитувчи опасиям бор. Кўринишидан болакайлар биринчи ё иккинчи синфларда ўқишади. Бекатнинг ёнгинасидаги Ўзбекистон табиати музейидан — республикамизнинг қадим ва бугунги ҳайвонот, наботот олами ҳақида мукаммал манбага эга бўлган даргоҳдан бир жаҳон таассуротлар олиб чиқишаётганини пайқадим. Бу яхши. Болаликнинг беғубор тасаввурида табиатга ошнолик жонлангани яхши. Дарвоқе, 18 май — Жаҳон музейлари куни эди-ку. Демак, шу муносабат билан бу-лар музейга келишган, деган ўйга бордим.

Автобус силтаниб бир оз юргач, ичкарида чиптажонларни тушира бошлади.

У ер, бу ердан «бу қандай ган, бу қанақаси?» деган норизо ган-сўзлар ўтди.

Назоратчининг айтгани

текширувчи аёл бақириб қолди:

— Автобусни тўхтат!

Ҳайдовчи тормоз босди. Автобус жойида қотди.

— Эшикни оч! — ҳалиги важоҳатли овоз ҳаммани карахт қилди.

Автобуснинг икки эшиги ланг очилди.

Тўладан келган, келбати йигитни ҳам довдиратадиган чиптачи аёл бошу бўлди:

— Текин юриш мумкинмас. Вассалом!

Йигирма чоғли болакай орқасига қараб-қараб, қимтиниб, ўқитувчиси ортидан бир-бир тушиб кетди.

Назоратчи бу ҳолдан оғринган йўловчиларга қатъий қилиб, расмиятчилик билан жавоб қайтарди.

Мана шу йигирма чоғли болакайнинг, 1-2 синф ўқувчиларининг ҳозир дилидан нима кечдийкин?

Эрталаб, музейга бораман, табиатни кўраман, деган болага отаси, онаси пул бергандир, лекин у шу пулга музқаймоқ олгандир, у-бу нарса харид қилгандир, ҳар ҳолда болада, чиптачи автобусдан тушириб юборишини хаёлига ҳам келтирмаган-да.

Хуллас, арзимас баҳодаги чиптани деб йигирма чоғли бола автобусдан туширилди, деган хаёлга келдим. Ва бу хулосамнинг тўғрилигига имон келтираман...

Тошкентдаги ҳинд тилига ихтисослашган 24-мактабнинг қуйи синф ўқувчилари 02-35 ТНИ рақамли 65-йўналишдаги автобусдан тушириб юборилган, то ўз мактабигача икки бекат пиёда юришган шанба куни автобусда уйимга алланечук бўлиб келдим.

■ Қўчқор НОРҚОБИЛ

«ЖУРНАЛИСТИКА: ЗАМОН ВА КЕЛАЖАК»

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган навбатдаги йиғилиш «Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртларида журналистик таълим концепциялари: ҳозирги замон ва келажак» мавзуига бағишланди. Халқаро илмий-услубий бу семинарни республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Миллий университет, «Росзарубежцентр»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорликда уюштирди. Йиғилган талабалар олим ва мутахассисларнинг «Журналистик таълим соҳасида Россия концепциялари ва моделлари», «Ўзбекистонда ҳозирги замон журналистик таълими», «Миллий университетда ҳозирги замон амалиёти нуқтаи назаридан журналистик кадрлар тайёрлаш масалалари» каби мавзуларда маърузалар тинглашди. Москва давлат университети журналистика факультети декани, профессор Я. Засурский, Миллий университетнинг журналистика факультети декани Қ. Эрназаров, профессор Ф. Мўминовларнинг маърузалари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

■ Азамат ПИРНИЁЗОВ

«КУРСК» СУВ ЮЗАСИГА ЧИҚАРИЛАДИ

Россия ҳукумат раҳбари ўринбосари Илья Клебановнинг таъкидлашича, 15 сентябрда «Курск» сувости атом кемаси сув юзасига чиқариб олинади. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, операция 8-10 соат давом этиши керак. Бу ишда Норвегиянинг Halliburton компанияси ҳам иштирок этадиган бўлди.

ОМБОРДА ЁНҒИН

Ҳиндистон армиясининг Ражастон штатидаги ўқ-дори омборида юз берган ёнғин оқибатида бир киши ҳалок бўлди, бир неча киши жароҳатланди. Армия ҳодиса ҳудудидан 20 километр радиусда бўлган аҳолини зудлик билан кўчиришга мажбур бўлди. Хабарларга қараганда, ёнғин натижасида 8 тоннага яқин танк ва артиллерия замбаракларни, ракета ва миналар йўқ бўлган.

КЕЛИШИБ ОЛИШДИ

Покистон билан Озарбойжон икки томонлама ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олди. Бу ҳақдаги қўшма баёнотга Покистон ташқи ишлар вазири Абдусаттор ва Озарбойжон мудофаа вазири Сафар Абиев имзо чекди.

BU dunyoning ishlari

«АВЕСТО»НИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА

«АВЕСТО»нинг ПАЙДО БЎЛИШИ

«Авесто» Ўрта Осиё тарихидагина эмас, балки дунё маданияти тарихида муҳим воқеадир. «Авесто» тўғрисида сўз кетганда, албатта, Зардушт шахси ва у яратган таълимот тўғрисида сўз кетади. Зардуштнинг таълимоти «Авесто»ни юзага келтирди. Аввало, Зардушт шахси тўғрисида.

Зардушт шахси тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Баъзи европалик олимларнинг айтишларича, Зардушт ўз даврида таъқибга учраган. Лекин бу буюк пайғамбар, инсоният нажоткори деб эътироф этилган. Милоддан олдинги VII-VI асрлардаги сиёсий вазиятда Зардуштнинг муҳим роль ўйнаган фаолияти уни нажоткор сифатида талқин қилишга сабаб бўлгандир. Коҳинлар халққа қарашли яйловларни тортиб олиб, халқ жамоа бўлиб ишлайдиган ибодатхоналарни вайрон қилиб, ўзларининг сиёсатини юргизар эдилар. Бунинг устига эски культларга сиғиниш оқибати ҳам коҳинлар ва зодагонларнинг манфаати учун мос эди. Мана шундай таранг вазиятда Зардушт кенг омманинг манфаатларини ҳимоя қилиб, ўтроқ чорвадор қабилаларнинг вакили сифатида майдонга чиқди ва пайғамбар деб эътироф этилди.

Аҳмонийлар даврига оид матнларда, гарчи Зардуштнинг номи эсланмаса-да, унинг ғоялари, жумладан, Хурмуздни шарафлаш ғояси бош ўрин тутади. Аксарият манбаларда Зардушт милоддан олдинги XII-VII асрлар оралиғида яшаган деб эътироф этилади. Зардушт таъқибга учрагани учун ҳам онгли равишда унутилган бўлиши мумкин. Янгилик ва янги ғояларнинг тақдири ҳар доим ҳам осон кечавермаган.

«Авесто» Зардушт номи билан боғланар экан, бу ноёб асар бир даврнинг маҳсули эмаслигини ҳам таъкидламоқ даркор. «Авесто» бир неча асрлар давомида шаклланиб, яхлит асар ҳолига келган. Бу жараён дунё маданияти тарихида синовлардан ўтган тажриба бўлиб, «Авесто» ана шу тажрибанинг илк маҳсулларидан биридир. Шарқда бу жараённинг ноёб намуналари кузатилади. Қадимги Хитойдаги фалсафий рисолалар, Библия ҳам шаклланганда, ана шу йўлни — асрлар йўлини босиб ўтган. Айни пайтда бу жараён «Авесто»нинг асрлар оша маълум ва машҳур бўлганини яна бир бор тасдиқлайди. Асарнинг маълум ва машҳурлиги Беруниийнинг «Ўтмиш асрлардан қолган ёдгорликлар» (XI аср), Табарийнинг «Тарихи Табарий» (X аср) каби асарларида ҳам ўз исботини тонган. Беруниийнинг ёзишича, «Авесто»нинг қўлёзмаси ўн икки минг молнинг терисига олтин ҳарфлар билан ёзилган экан. Александр Македонский Ўрта Осиёга бостириб келганда, бу асарнинг тиб ва астрономияга оид қисмларини кўчиртириб олиб, қолган қисмини куйдириб ташлаган ва кўчиртирган қисмларини юнон тилига таржима қилдирган. «Авесто»нинг учта қўлёзмасидан биттасини зардуштийликка содиқ кишилар асраб қолганлар.

«Авесто»нинг энг қадимий қатлами Гатларни Зардуштнинг ўзи ёзган, деб айтилади. Гатлар — диний қасида, муножот демакдир. Асарнинг энг қадимий қатламига кўра шундай хулоса чиқариш мумкинки, зардуштийлик уруғчилик жамиятида — ҳукмрон табақа пайдо бўлган даврда шакллана бошлаган. Айниқса, Сосонийлар(мил. III-VII асрлар) сулоласи даврида янгича кўринишда пайдо бўлди. Лекин қандай кўринишда бўлмасин, Зардуштнинг таълимоти ўз моҳиятини сақлаб, янада мукаммаллашди. Яна шуни таъкидлаш керакки, «Авесто»нинг энг қадимий қатлами Гатлар нотиқлик санъати босқичининг илк даврида юзага келган. Нотиқлик санъати, айниқса, ғоявий курашлар маҳсули сифатида юқори чўққига кўтарилганини эътироф этсак, Зардуштнинг ўз давридаги коҳинлар ҳаракатига ва эски культларга қарши чиққани, шу асосда ўз таълимотини яратгани янада ойдинлашади. Зотан, ғоявий кураш жамиятдаги икки қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг натижаси сифатида юзага чиқди.

Хўш, Зардушт яратган таълимот нимадан иборат? У қандай шакл ва мазмундаги таълимот эди? Унинг таълимоти эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашдан иборат эди, жамиятдаги мутаносибликни бузадиган номутаносибликка қарши кураш эди. Зардуштийлик таълимоти дастлаб яратилган пайтда диний эмас, балки ахлоқий қарашларнинг мажмуи сифатида юзага келган. Зардушт ўз таълимотини яратган пайтда эзгулик ва ёвузликни ижтимоий муаммо сифатидагина илгари суриб қолмади, балки ахлоқий қарашларини фазо билан, хусусан, оламнинг яратилиши ва тузилиши билан боғлади. Оқибатда бу қараш аста-секин илоҳий тус олди. Унинг таълимоти фақат даврлар синовидан ўтиш билан бирга, жуғрофий жиҳатдан ҳам кенгая борди. Бизнинг заминимиздан тортиб Мидия, Форс, Арманистон, Кичик Осиё, Ҳиндистон (хусусан, Панжоб) каби қатор мамлакатларга ёйилди. Барча диний оқимларнинг вазифаси маълум бир ҳудудда маданий ва маънавий юксалишни юзага келтирганидай, зардуштийлик ҳам бу мамлакатларда маданият ўчоқларини барпо қилди.

«Авесто» фақат зардуштийлик оқимининг ноёб ёдгорлиги бўлибгина қолмай, Ўрта Осиё халқларининг ижодий қобилияти, оғзаки ижоди, эътиқоди ва тасаввурларининг маҳсули ҳамдир.

Зардушт шахси асрлар оша шунчалик машҳур бўлганки, у афсонавий қаҳрамон каби донг таратган. Милоддан олдинги I асрда яшаган Рим тарихчиси Помпей Трог «Филиппин тарихи» асарида Зардуштни Бақтрия подшоҳи деб ёзган. Зардуштийлик қадимги юнон динига нисбатан анча илғор дин бўлгани учун ҳам унинг эътиборини тортган бўлиши мумкин.

■ **Насимхон РАҲМОНОВ, филология фанлари доктори, профессор**

Қибрай Тошкент вилоятидаги аҳолиси зич жойлашган туманлардан бири. Бугунги кунда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, уларнинг саломатлигини мунтазам назорат қилиб боришнинг ўзи бўлмайди.

Суратқаш мухбиримиз «Оналар ва болалар» йилида туман марказий шифохонасининг туғруқ бўлимида қандай ўзгаришлар бўлаётганини билиш мақсадида бу ерда бўлди. Ўзгаришлар шундаки, туман ҳокимияти томонидан ҳар томонлама қулай акушерлик комплекси ҳадемай бу ердаги аҳолига тақдим этилади. Ҳозирги кунда бу бўлимда 8 олий тоифали, 32 ўрта тиббий ходим фаолият кўрсатмоқда. Шу кунгача туманда 87830 нафар аёл рўйхатга олинган. Шундан 3641 нафари туғиш ёшидаги аёллар ҳисобланади.

Бўлим бошлиғи Фаридахон Султонованинг таъкидлашича, дунёга келган фарзанднинг ўз онаси бағрида бўлиши онага меҳрини орттиради.

Суратларда: 1. Фаридахон Султонова янги дунёга келган фарзанд ва она соғлиғидан мунтазам хабардор.

2. Шифокорлар Асомова ва Мирзаахмедовалар туғилган чақалоқни кўрикдан ўтказмоқда.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ХДП ҲАЁТИДАН

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ

«Оналар ва болалар» йилига бағишлаб Беруний тумани лицейлари, коллежлар ва мактабларида ХДП туман кенгаши ташаббуси билан давра суҳбатлари, учрашувлар, машғулотлар, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда. 14-сонли касб-ҳунар лицейи, 10-сон қурилиш коммунал хўжалиги коллежи талабалари ва шаҳар, овул мактаблари ўқувчилари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Дилдаги гаплар очиқ баён этилган ушбу тадбирларда ахлоқий ва маънавий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш, уларнинг фаоллигини янада ошириш юзасидан фикрлар билдирилди.

Шу билан бир қаторда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, жиноятчилик ва гиёҳвандликнинг олдини олишда прокуратура, милиция, тиббиёт ходимлари туманда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида талабалар ва мактаб ўқувчиларига ахборот бериб, уларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар.

■ **Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ИСТИҚЛОЛ МЕВАЛАРИ

Бундан роппа-роса 40 йил аввал, яъни 1961 йилнинг май ойида Ўзбекистоннинг етакчи газеталарида қуйидаги хабар пайдо бўлди:

«Қадим Бухоро вилоятининг Маликчўл билан туташиб кетган саҳролари орасида Ўрта Осиёдаги энг улкан Навоий кимё комбинати қурилиши бошлаб юборилди. Шу кундан бошлаб қақраб ётган, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўлнинг осойишталиги бузилди». Улкан комбинатнинг баланд биноларига ўшанда асос солинган.

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида мустақиллиқнинг 10 йилида ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва маҳсулот тайёрлашни кўпайтиришда ўсишга эришилди. Бунинг учун иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Ички имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди. Ҳаракатсиз ётган участка, бинолар ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш муҳим вазифалардан бири эди. Импорт ўрнини босадиган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш бўйича ҳам аниқ тадбирлар белгиланди. Шу йўсинда бирлашмада тайёрланаётган маҳсулот турлари кўпайиб борди.

1991 йилда унифлюк, лима, диола оқартириш воситаси, 1992 йилда эса лосьон, турли смолалар, 1993 йилда натрий ацетати, полиамид, 1994 йилда эса азотли барий, ош тузи, кейинчалик аммоний полифосфати, коллоид олтингугурт, елим, митий карбонати, кабел муфталари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ундан ташқари, йилига 3 минг тонна аммоний ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех ишга тушди. Йилига 120 минг баллон аргон тайёрланадиган қурилма ўрнатилди. «Нитрон» заводида эса натрий олинаётир. «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасида янги омбор қуриб битказилди. Гилам ишлаб чиқариш участкаси, чиқиндилардан метанол ва формалин тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди.

Икки йил аввал мамлакатимиз учун керакли бўлган савобли ишга қўл урилди. Бирлашмада Ўзбекистоннинг валюта заҳираларини тежаб қолиш мақсадида каустик сода ишлаб чиқариш учун улкан корхона қурилишига киришилганди. Бинокорлар ушбу иншоотнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, уни тезкор суръатларда қуриб битказишди. Эрта-индин ана шу корхона фойдаланишга топширилади.

Айни пайтда бирлашмада 10 мингдан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Одамларга барча қулайликлар яратилган. Улар уй-жой билан таъминланган. Корхонанинг ўз меҳмонхонаси, маданият саройлари, профилакторий ва санаторийлари мавжуд. Моддий манфаатдорлик ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўртача ойлик маош 50 минг сўмни ташкил этаётир.

Моддий манфаатдорлик ўз навбатида бирлашманинг умумий ютуқларига пойдевор бўлаётир. Биргина ўтган йилнинг ўзида «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида бир неча миллиард сўмлик 250 турдаги кимёвий ашёлар ишлаб чиқарилди. Ана шу маҳсулотларнинг қарийб ярми хорижий мамлакатларга экспорт қилинди.

— Бугунги кунда ўз маҳсулотини чет мамлакатларга сотиб, валюта ишлаб тополмаган корхонанинг келажаги йўқ, — дейди бирлашма бош директори Ҳасан Фармонов. — Айни пайтда бизда ишлаб чиқарилаётган нитрон сунъий толаси бирлашмамиз учун асосий валюта манбаи бўлиб қолди. Чунончи қарийб 1000 киши меҳнат қиладиган «Нитрон» заводи бир кечакундузда 42-45 тоннадан тола ишлаб чиқарянти. Айниқса, нитрон толасидан олинадиган калава ипларининг бозори тобора чаққон бўлмоқда. Биз бу калаваларни аввало мамлакатимизнинг гилам ишлаб чиқарадиган корхоналарига етказиб берамиз. Эҳтиёждан ортган калавага эса хорижда харидорлар бисёр. Ўтган йили Туркия, Покистон, Миср, Ҳиндистон, Венгрия давлатларига ушбу маҳсулотларни кўплаб етказиб бергандик. Бу йил эса хорижий харидорлар сафига Эрон Ислом Республикаси ҳамда Россия Федерацияси ҳам қўшилди. Турли хил қалинликдаги гиламлар, ҳар хил кўринишдаги пояндозлар, енгил автомобиллар учун ғилофлар ишлаб чиқаришда асқотадиган бундай ноёб калавалардан ойига бир неча юз тоннаси хорижга сотилмоқда. Мақсадимиз ингичка ва йўғон калава ипларнинг ҳажмини янада кўпайтиришдан иборат. Чунки янги асрнинг дастлабки йилида Япония ва Италия сингари ривожланган мамлакатларнинг қатор компания ва фирмаларидан ҳам кўплаб нитрон сунъий толаси етказиб бериш юзасидан каттагина буюртмалар олдик. Айни пайтда ана шу буюртмаларни ўз вақтида бажариш учун катта ҳажмдаги ишлар бажарилаянти.

Бирлашма меҳнат аҳли айни кунларда барча имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга интилаётир. Ишлаб чиқариш жараёнидаги аниқ маром бирлашмани тармоқдаги энг илғор корхоналардан бирига айлантирди.

Ҳадемай, мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлаймиз. Навоийлик кимёгарлар ҳам ана шу тантанага муносиб армуғон тайёрлашмоқда. Уларнинг нияти «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остидаги маҳсулотларни янада кўпайтириш.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

ОЛИС-ОЛИСЛАРДА

ЧЎЛЛАР КЎЛГА АЙЛАНМАЙДИ...

Муборак тумани ҳокими Карим Остонов асли шаҳрисабзлик қурувчи эди. Кейин вилоят ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари бўлди. Олти йилдирки, туманга раҳбарлик қилаяпти. Тўладан келганига қарамай, ўта ҳаракатчан, жонсарак.

— Биласиз, чигитни суғориб экамиз, — дейди у. — Ҳар дақиқа ғанимат. Айрим хўжаликларда сув муаммоси бор. Мана, ижтимоий масалалар бўйича ўринбосаримиз Муроджон билан бирга айланинглар. Кейин бафуржа суҳбатлашармиз...

Кетди. Биз ҳам йўлга тушдик. Муроджон Чулиев шу ерда туғилган, ўқиб, газ-нефтни қайта ишлаш соҳаси муҳандиси бўлган, шу жойдаги заводда ишлаган, бир неча йилдан буён ҳокимга ўринбосар. Бир ёғи Бухоро вилояти, бир ёғи Туркманистон саҳроларига туташиб кетган улкан чўл. Туман ҳисобидаги 307 минг гектар ернинг 238 минг гектари «Муборак» қорақўлчилик хўжалиги ихтиёрида. Жами 33 минг гектардан ошиқ ер ҳайдалса-да, 23 минг 888 гектар ердан фойдаланилар экан. Қарийб 4138 гектар ерга сув етказиб бўлмайди. Пахтани қайта ишлайдиган завод қуриб олишди. Тўқсон саккизинчи йилда пахта режаси 102 фоиздан ошди. Кейинги йилларда режа бажарилмади. Ўтган йили 21 минг тонна ўрнига 16832 тонна дон сотилди.

— Сув танқислиги бир тараф, иккинчи тарафдан шўр кўтарилиб бораяпти, — дейди «Муборак» қорақўл наслчилиги ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Ҳайит Оқмаматов. — Шўр нафақат суғориладиган ерларга, балки яйловларга ҳам зарар етказади. Ер шўрланишининг боиси — юқоридаги туманларда фойдаланилаётган сувлар тўлиқ оқиб чиқиб кетмаяпти.

— Бу қандай қилиб яйловга зиён етказиши мумкин? Сувга ташна даштлар наф кўрмайдими?

— «Юқори» ва «қуйи» туманлар деган ибора ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, — туйқусдан сўрайди у. — Юқори туманлардан оқиб келаётган Қашқадарё саксонинчи йилларнинг ўртасида Муборакдаги кўп жойни сувга ғарқ қилиш хавфини туғдирганда, вилоят раҳбари бўлган Юртбошимиз кун-тун шу жойда бўлганлар. Қарангки, кейинги йилларда сувга зор бўлаяпмиз. Барибир, биздан юқорида турган туманлар ерларида фойдаланиладиган сув тўлиқ Сичан кўлига оқиб бормаса, коллекторлар ишламаса, экинзорлардангина эмас, яйловлардан ҳам айрилиб қоламиз.

Кам деганда 80 минг бош қўй боқилаётган, етиштирилаётган қорақўл териси жаҳон бозорида эътиборга тушган хўжаликни йигирма йилдан ошиқ бошқараётган Ҳайит аканинг ташвишлари бежиз эмас, албатта. Аслида Қарши чўлини ўзлаштириш давомида кўп ишларнинг гектардан ошиқ ернинг мелиоратив ҳолати ёмон эканлиги узил-кесил айтилди. Айниқса, Муборак, Косон, Нишон туманларида шундай аҳвол вужудга келди. Биргина Муборак туманида қаттиқ шўрланган ерлар 5072 гектарга яқин.

Вилоят, жумладан, Муборакдаги хўжаликлар фойдаланаётган айрим ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви фақат чўлни паланартиш ўзлаштиришдан эмас. Сув иншоотлари, зовурлар чала қурилган. «Хитой» канали аслида ариқ бўлиб, фойдаланиш даражаси жуда паст. 5-сонли каналнинг нишаблиги мўлжалга етмаганлигидан сув сифатсиз бажарилган. Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда қишлоқ хўжалик академиясининг бир қанча мутахассислари 1995 йилда тайёрлаган маълумотнома қўлимизда бор эди. Унда вилоятдаги 495 минг гектар суғориладиган майдоннинг 44 фоизи шўрланган, шундан 12,1 фоизи ўрта ва кучли шўрланганлиги қайд этилган. Агар маълумотларни янгиласак, ўтган йили 32 бонов. — Нимани қилсанг хор, ўшанга бўларсан зор, деган халқ мақоли бор. Ерни хор қилмайлик, сувни исроф қилмайлик, шунда ҳеч нарсадан кам бўлмаймиз. Мен чўлга 1979 йилда келганман. Тўрт йил бўлди, хўжаликка раҳбарман. Чўлда одам кам. Биз «Миришкор» каналининг сўнгги «қулоғи»дан сув оламиз. Ички зовурларни имкон даражасида тозалаяпмиз. Ўтган йили 1780 тонна пахта сотиб, режани бажардик. Бу йил 700 гектар ғалламиз бор. 800 гектарга пахта экканмиз. 100 гектар атрофида бедазорга эгамиз. 52 та оила пудрати ўзилган. Ўтган йили 5 миллион сўм соф фойда олдик. Иш яхши оқмайди. «Миришкор» каналини таъмирлаш зарур. «Сичанкўл» коллектори лойиҳа кўрсаткичига етмай қолган. Эски «Шаҳрисабз» даҳасидаги Ал-Хоразмий, «Бухоро» хўжаликларида ички ариқ ва зовурлар мутлақо таъмирланмаганлиги сабабли, минг-минг гектарлаб ерлардан фойдаланиб бўлмайди.

— Бундай муаммолар бизда ҳам бор, — дейди Амир Темур номли ширкат хўжалиги раиси Уйғун Қурҳақини беряпмиз. Сўрангчи, одамлар нима дейди?

— Мен асли Ғузор туманиданман, — дейди сув тараётган Зокир Очилов. — Тўртта фарзандимиз бор, уйни хусусийлаштириб олдик. Ёғ, пул олдик. Энди болаларимиз ҳам чўлқувар бўлиб қолади.

— Уша йигит тўғри айтибди, — дейди Карим Остонов далалардан қайтиб, яна учрашганимизда. — Муборак оллоҳ назари тушган жой. Заводимиз 30 миллиард кубометр газни қайта ишлаб, 300 минг тоннадан ошиқ олтингугурт тайёрлаб бераяпти. Бу улкан хазинадир. Туманнинг ерлари ҳам шундай. Бу йил 10550 гектар майдондаги ғалла ниҳоллари ривожи яхши. Вилоят ҳокими томонидан амалга оширилаётган сувдан фойдаланиш тадбирлари юқори самара бераяпти. Фақат коллекторларни таъмирлаш учун маблағ керак. Кўп дарахт ўстираяпмиз. 103 минг гектар майдонда саксовулзор бор. Чўл иқлимига мос бу чидамли дарахтни кўпайтириш лозим. Иш тутими ҳам ўзгаряпти. Ижара шартномалари қатъий тузилган, режани бажарган бенасиб қолмайди. «Туркистон», Бекки Саидов номли хўжаликларни фермерлар уюшмасига айлантирдик. Жами 350 га яқин фермерлар меҳнат билан банд. Ерни ишлаганга бераяпмиз. Масалан, Бекки Саидов номли фермерлар уюшмасида Бешим Туев 205 гектар ерда пахта ва дон етиштираяпти, трактори бор...

— Кўнглингизга олманг-у, Муборакка четдан одамлар кам келса керак. Менга шундай туюлди. Ёзда оташ бўлиб ёнадиган ерга ким ҳам ўз ихтиёри билан келарди дейсиз?

— Ана шу фикрингизга қўшилмайман, — дейди ҳоким қизишиб. — Муборакнинг ўз жозибаси ва имкониятлари бор. Заводни-ку кўяверинг.

Ҳадемай, терини қайта ишлайдиган корхона ўз фаолиятини бошлайди. Ўша «Шаҳрисабз» даҳасидан қандай сув чиққанини биласизми? Тери, ошқозон касалликларини даволашда тенги йўқ. Ҳозир кореялик ҳамкорлар билан битим тузаяпмиз. Санаторий қурилсин, кўрасиз, шифоталабларнинг ёғилиб келганини. Мақтанаяпти деманг, ҳеч бўлмаса, Муборак шаҳрини айланиб кўринг...

Оқшом пайти шаҳарни айландик. Даштдан майин эпкин эсади. Агар туманда 60 мингдан ошиқ аҳоли бўлса, шундан 24 мингга яқини Муборак шаҳрида яшайди. Бир маҳалла «Тонг» экан. «Ёшлик» маҳалласининг 60 фоизи — ёшлар. Бир тадбиркор қурган чойхона «Занжирсой» аталибди. 500 ўқувчига мўлжалланган бизнес мактаби, Беруний номидаги саноат коллежи ишлаб турибди. 460 ўринли амфитеатр, теннис корти, футбол ўйингоҳи, очиқ ва ёпиқ бассейнлар, 6 гектарлик боғ... Яна 60 гектарлик боғ яратишга киришибди.

— Мен Москвада ўқиб, ўн йил яшадим, — дейди соғломлаштириш мактабига борганимизда «Насаф» футбол клуби вице-президенти Норқул Даминов. — Кейин Муборакда каратэчилар мактабига асос солдим. Ҳозир 100 дан ошиқ бола шуғулланаяпти.

Биз тумандан қайтаётганимизда оқава сувларни Сичан кўлига етказиб берувчи коллекторларнинг навбатдаги қурилиши жадал олиб борилаётганини айтишди. Мен ҳам газдан келаётган миллиард-миллиард сўм бойликнинг бир қисми шу ерларни сақлаб қолиш учун ишлатилиши керак, деган ўйда эдим. Ерлар шўрланиб, қум бўронлари бош кўтарса, қандай аҳвол юз беради? Йўқ, асло бундай бўлмайди. Чўллар кўлга ҳам, қайта саҳрога ҳам айланмайди. Боғлар, экинзорлар тароватини йўқотмайди. Чунки бу ерларда чўлқуварларнинг орзу-умидлари илдиз отиб, бўй чўзмоқда.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИЕ, ЙЎҒ-Е, НАҲОТКИ?!

ҚОЗОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ ҚОРАСИ ЮҚАР

Аслида бу гап инсонлар фаолиятига нисбатан ишлатилади. Аммо бу гал бир мушукнинг ўзини тутиши шу мақолга мос тушмоқда. Гап шундаки, Англиянинг Донкастер шаҳрида гиёҳвандликка ружу қўйган мушук пайдо бўлди. Сорес лақабли бу мушукда гиёҳванд моддани хумори тутиб туришини унинг янги эгаси Жил Шоу сезиб қолди.

Шу ўринда савол туғилади: мушук қандай қилиб гиёҳванд бўлиши мумкин? Лекин бўларкан. Мушукларни ҳимоя қилиш лигаси вакили Бетти Фостернинг айтишича, Сорес анча вақт бангилар тўпланадиган жойда яшаган. Аввалги эгаси эса героин билан қўлга тушиб қамалган.

Бу ҳолат мушукнинг янги соҳиби кўнглига қаттиқ ботди. У жониворларга шафқатсиз муносабатда бўлганларни билишини, лекин бунақасини тасаввур ҳам қилмаганини айтди.

«ҒАРОЙИБ ЖАЗО»НИ ЎТАБ ҚАЙТДИ

Газетанинг аввалги сонларидан бирида «Ғаройиб жазо» сарлавҳаси остида испаниялик судья Эмилио Калатаюднинг 15 ёшли жиноятчини ғаройиб жазога тортганлиги ҳақида хабар босилган эди, яъни хабарда айтилишича, ўғирлик билан қўлга тушган боланинг ғирт саводсизлиги маълум бўлгач, судья унга ўқиш ва ёзишни ўрганиш мажбуриятини юклаганди. Яқинда ўғри бола ўқиш-ёзишни ўрганиб бўлганини айтди. Шундан кейин Эмилио Калатаюд ундан шахсан ўзи имтиҳон олди ва суд қарори ижро этилганини қайд этди.

Эмилио Калатаюд бу жиноий ишни кўриб чиқиш жараёнида таълим кўрмаган одамни умуман суд қилиш мумкин эмас, деган фикрга келган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, анчадан буён вояга етмаганлар билан шуғулланиб келаётган Э.Калатаюд доимо ноанъанавий усуллардан фойдаланади. Айниқса, унинг маст ҳолда мотоцикл бошқарган ўспиринни транспорт ҳалокати оқибатида ногирон бўлиб қолганлар шифохонасига тез-тез бориб туриш билан жазолагани эл оғзига тушган.

ДЕНГИЗ — ХАЗИНАЛАР МАКОНИ

Денгиз — хазиналар макони, деган гап мантиқан ўз тасдиғини топиши ҳақиқатга айнидир. Негаки, тарихдан маълумки, инсоният кемачилик билан шуғуллангандан бери қанча-қанча кемалар уммон ва денгизларга чўкиб кетган. Уларда эса албатта дуру жавоҳир, олтину кумуш, қисқаси, хазиналар мўл бўлган.

Яқинда шундай хазинали кемалардан бири — қадимги Хитой кемаси Сариқ денгиз тубидан топилди. Мутахассисларнинг фикрича, унда олти юз тонна кумуш бўлиши мумкин экан. Жанубий Кореянинг «Голд шип» компанияси топган бу кема 1894 йили япон ҳарбий кемаси билан тўқнашувда чўкиб кетган «Косин-хо» бўлиши мумкин деган тахмин илгари сурилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, сув тубига шўнғиган ғаввосларнинг айтишича, кемадаги белгилар тахминга мос тушади.

Денгиз полициясининг департаменти кема «Косин-хо» эканини тасдиқласа, унинг юкхонасида 700 миллион АҚШ долларига тенг кумуш тангалар бор, деб бемалол айтиш мумкин. «Голд шип» компанияси вице-президенти Чон Жон У кемани 2003 йилда юзага чиқариш режалаштирилаётганини маълум қилди.

DUSHANBA 28

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 Улуғ аждодларимизга эҳтиром. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Паҳлавон Маҳмуд».
9.00 «Ёшлар қуйлаганда».
9.15, 12.25 ТВ метео.
9.20 «Зарғалдоқ». Мультфильм.
9.40 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Пилигрим» кемасининг капитани». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.30 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
13.00, 15.45 ТВ анонс.
13.10 «Олам». Телеальманах.
13.45 ТВ 1 намойиш этади.
14.10 «Қишлоқ ҳаёти».
14.25 Кундузги сеанс: «Пазанда». Бадиий фильм.
15.30 «Ватанпарвар».
15.50 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.15 ТВ-клип.
16.20 «Бугуннинг аёли».
17.00 «Гольф-клуб».
17.15 Экранда - телесериал. «Қалбим чечаги». 1-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Ҳамоҳанг наволар».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.25 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.50 «Толеи ёруғ одамлар».
22.00 «Маънавият» дастури.
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Тақдир иньоми». Бадиий фильм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

11.55 Кўрсатувлар дастури.
12.00 «Давр» ҳафта ичида.
12.40, 15.40 Мусиқий лаҳзалар.
12.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 10-қисм.
13.15 Синфдош. Сўнгги қўнғироқ.
13.40 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига «Муҳаббат султони». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик театрининг спектакли.
15.15 Саломат бўлинг.
15.50 Жаҳон жуғрофияси.
16.40 Спорт ҳафтаномаси.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» почтаси.
17.20 «Мульттомоша».
17.35 Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда: Тошкент Педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей.
17.55 Ёшлар куйлайди.
18.05 «Менинг замондошим» туркумидан: «Тикланиш йўлидан». Хоразмлик ёш тадбиркор К. Жумамуродова ҳақида («Ўзбектелефильм»)
18.15 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига** «Ватан мадҳи».
18.25 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Хайр, мактаб.
19.45 «Илдиз ва япроқ». Абдулла Орипов.
20.05 Ёшлар овози.
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Мағриб тунлари». Бадиий фильм 1-қисм.
21.20 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.15-1.20 Хайрли тун!

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.15 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Тараққиёт йўлида».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t˚ 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.20, 21.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
22.20 «Ўзбегим навоси».
22.50 ТТВда сериал: «Селеста».
23.35 «Мусиқий меҳмонхона».
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 6.30-8.00 15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Тиббиёт одимлари».
17.25 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.35 «Саёҳатлар оламида».
17.45 «Мени кутгил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревю».
21.00 «Бебиликса пул». Сериал.
21.45 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
22.00 Кинематограф. «Бехосият бойлик». Бадиий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Соат 17.55 га қадар профилактика.

CHORSHANBA 30

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Зардўзлар», «Дўппи».
9.15 Лирик тароналар.
9.45, 12.35 ТВ-метео.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.20 Кундузги сеанс: «Оқ шудринг қишлоғи». Бадиий фильм.
11.45 «Камолот сари».
12.05 «Мусиқа: кеча ва бугун».
12.40 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
13.50 ТВ-клип.
14.10 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
14.30 «Остонаси тиллодан».
14.55 ТВ-анонс.
15.00 Кундузги сеанс: «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм.
16.25 «Созимда севги васфи». Мусиқий дастур.
16.50 «Кўзмунчоқ».
17.10 Экранда -телесериал. «Қалбим чечаги». 2-қисм.
18.10 Болалар учун. «Ороғмоҳлар сизни кутмоқда».
18.30 «Иқтисод ва биз».
18.40 ТВ-клип.
18.45 «Умр мазмуни».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55, 23.20 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Нафосат гулшани». Мусиқий дастур.
21.45 «Толеи ёруғ одамлар».
22.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Академия»-«Дўстлик».
22.45 «Олам». Телеальманах.
23.25 «Ахборот».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00˚. Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
9.35 «Мульттомоша».
9.50, 16.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 12-қисм.
10.40 Хайр, мактаб.
10.50 «Даллас». Телесериал.
11.35 Ёшлар овози.
11.55 Болалар экрани. «Соҳибжамол ва маҳлуқ».
13.15 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
13.35 «Мағриб тунлари». Бадиий фильм 2-қисм.
14.25 Авторейд.
14.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 13-қисм.
15.05 Телефильм
15.25 «Садо» саҳифаларидан. Мусиқий дастур.
15.45 Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда: Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги лицей.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
16.45 «Мульттомоша».
17.00 Ёшлар куйлайди.
17.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.10 «Мени тушун...» Телеўйин.
18.35 Хайр, мактаб.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
